

Диний идора «Йил танлови - 2019»нинг 3 ўрин соҳиби



12:05 / 17.01.2020 1729

Бугун 17 январь куни «Йил танлови - 2019» нинг тақдирлаш маросимида Ўзбекистон мусулмонлари идораси «2019 йилнинг энг яхши давлат ёки жамоат ташкилоти» йўналишида 3-ўринни қўлга киритгани эълон қилинди ва махсус сертификат, рамзий статуэтка, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати хабар беради.

Ушбу танлов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги томонидан 2019 йил давомида оммавий ахборот воситаларида энг фаол ёритилган, тизим фаолиятида очиқлик ва шаффофликни намоён этган, халқ билан ишлашда самарали натижаларга эришган вазирликлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари, республика ҳудудлари

Ўртасида эълон қилинган эди.

Танлов ижтимоий сўров асосида «Энг намунали ҳудуд», «Энг намунали вазирлик», «Энг намунали давлат ва жамоат ташкилоти» каби номинациялар бўйича саралаб олинди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**